

Нашир этилган манба: Эркинов Афтондил. “Алишер Навоий қўлғзмалари бутунжаҳон феҳрести” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил, 9 февраль, №7 (4457), 1, 4-б.

**Афтондил Эркинов,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўзбекистонга оид хориждаги маданий
бойликларни тадқиқ этиш маркази
етакчи илмий ходими**

Алишер Навоий қўлғзмалари бутунжаҳон феҳрести

Алишер Навоий асарлари бутун дунё қўлғзма хазиналарига тарқалган. Улар Ашхобод, Берлин, Боку, Вена, Дублин, Душанбе, Ереван, Истанбул, Кобул, Кэмбриж, Лондон, Мюнхен, Нью-Йорк, Оксфорд, Париж, Санкт-Петербург, Техрон, Упсала, Қозон, Қоҳира, Ҳайдаробод каби шаҳарлардаги Шарқ қўлғзмалари фондларидан ўрин олган. Бу – фахрланишга арзирлик ҳолат.

2016 йил февраль ойида Берлинда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳамда Берлин давлат кутубхонаси, Хумбольдт ва Озод Берлин университетлари ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилганди. Унда хорижлик навоийшунослар ҳамда Ўзбекистондан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, ҳозирда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори проф.Шухрат Сирожиддиновлар билан биргаликда иштирок этгандик. Мазкур йиғин Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича Ўзбекистон ва хориж олимлари биргаликда ўтказган Европадаги дастлабки конференция эди. Ўзбекистон намоёндаларининг чиқишлари катта зални тўлдирган хорижлик тингловчиларда яхши таассурот қолдирганлиги уларнинг ижобий муносабатларидан сезилди ва Навоий ижодига қизиқиш дунё миқёсида катта ўринга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, Алишер Навоий асарларига эга қўлғзмаларнинг Европа кутубхоналарида сақланиши, Ўрта Осиёдан ташқари шарқнинг турли мамлактларида ҳам Навоий асарлари асрлар давомида кўчирилиб тарқалганлиги тўғрисида маърузаларда маълумот берилди. Берлин давлат кутубхонаси қўлғзмалар фондидаги Навоий асарларига оид немис олимлари маърузаси навоийшунослар учун янгилик бўлди.

Конференцияда Франциялик олим Марк Тоутант Алишер Навоийнинг “Хамса”си ҳақида маъруза қилди. Бунда у “Хамса”нинг ҳозиргча мавжуд нашрларига, асосан Американинг Мичиган университети ва Париж Миллий кутубхонасидаги иккита қўлёзмасига суянди. Шу муносабат билан Навоий бешлигининг яна икки аҳамиятли қўлёзмаси навоийшунослик доирасига тортилади. Бу олимнинг Навоий “Хамса”сига бағишланган диссертацияси, 2016 йили сўнгида француз тилида нашр этилган китоби ҳам ўша икки қўлёзмага суяниб ёзилган. Демак, ўзбек илми ушбу қўлёзма нусхасидан кўчирмани қўлга киритишга интилиши керак. Алишер Навоий асарига эга ҳар бир қўлёзма илмий аҳамиятга эга бўлиб, биз улар асосида шоир асарлари факсимиле-фотонусхасини нашр этишни йўлга қўйсак ўринли бўларди.

Алишер Навоий асарлари матнлари илмий тадқиқи ва нашри устида Максуд Шайхзода, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Ёқубжон Исҳоқов ва бошқа олимлар катта ишларни амалга оширдилар. Уларнинг ишлари янги авлод олимлари томонидан қисман давом эттирилмоқда. Мустақилликдан кейин академик Азиз Қаюмов ташаббуси билан ўзбек адабий манбашунослиги фанига алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишда бир қанча диссертациялар ёқлана бошланди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқорорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан нутқида “Очиқ тан олиш керак, тарихий-диний меросимизни ўрганиш, тиклаш ишлари ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас” деган ўринли фикрларни айтди.

Ғарб илмида бир қоида бор: фалсафа, тарих ва филология соҳаларига оид қўлёзма манбани аслият тилида ўқишни билмайдиган, қўлёзмадан фойдаланиш малакасига эга бўлмаган кишини илмий ишга, айниқса, диссертация ёқлашга қўйишмайди. Бизда эса совет тузуми араб ҳарфидаги матнлардан халқни шу қадар узоқлаштирдик, оқибатда, араб ёзувидаги матнларга асосланган Навоий асарлари ёки ўзбек мумтоз адабиёти бўйича араб ёзувидаги матн тугул бу алифбони билмайдиган “олим”лар етишиб чиқди. Улар Алишер Навоий асарларини нашрлардан олиб таҳлил қилиб кетавериш мумкин, деган қабилда ишлайди. Ваҳоланки, ҳар қандай нашр уни тайёрлаган олим нигоҳидан келиб чиқади ва ўзбек мумтоз адабиёти мутахассиси ёки навоийшунос Навоий асарлари нашрлари ўнлаб нусхаларда мавжуд бўлса ҳам, қўлёзмалар асосида Навоий матнлари билан танишиб бориши, қайта-қайта ўқиб янги маълумотлар топиши керак. Бунинг учун бутун жаҳон миқёсида Навоий асарларига эга қўлёзмалар доирасини аниқлаб олиш зарур.

Манбашунослик ва матншунослик фанлари совет замонида нисбатан четга сурилиб қўйилганди. Катта ишлар амалга оширилганлигидан кўз юммаган ҳолда, ҳатто ўзбек мумтоз адабиёти билан шуғулланувчи бир қатор олимларнинг манбашуносликка, қўлёзмаларга беписандлик билан қараганларини қандай тушуниш мумкин? Масалан, 1990-йиллар охирида мен

Алишер Навоий “Хамса”сининг Тошкентдаги қўлёзмалари бўйича тадқиқот олиб боргандим. “Хамса”нинг саксондан ортиқ қўлёзмасини тадқиқотимга жалб қилдим. Мақсадим Навоий давридан йигирманчи асар бошигача кўчирилган “Хамса” қўлёзмалари бўйича мутафаккир меросига муносабат асосида халқимиз маданияти тарихини ўрганиш эди. Навоийшунос олимлардан бири менинг ишим билан танишгач, шунча қўлёзма кўришнинг нима кераги бор, нашрдан фойдаланиб кўя қолсангиз бўлмайдими, деди. Бу олимга нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолдим. Айти савол манбашунослик фанига беписанд қараш ҳукмронлик қилган, совет мафкураси буюртмаси асосида таҳлил этиш кўпроқ урф бўлган ўша йиллар хусусиятини кўрсатади. Гап айти бу олимда эмас, қўлёзмалар устида тадқиқот олиб боришга панжа остида қараб келган шўро тузумида. Афсуски, бунинг оқибатида, эски ўзбек ёзувини ўзлаштириш ва қўлёзма матнга яқинлашиш, академик илмга яқинлашиш ўрнига Навоий асарларини нашрдан ўқиб, фақат ҳосил бўлган ҳиссиётларини қоғозга тўкиб, шуни илм деб ўйлаган “навоийшунослар” етишиб чиқди.

Алишер Навоий меросини ўрганиш ўзбек халқи учун муттасил давом этувчи жараён ва ундан биз ҳеч қачон тўхтамаймиз. Ўзбекистон жаҳонга қараб тобора юз очиб бормоқда. Шу муносабат билан хориждаги ўзбек адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ меросни ўрганиш, тадқиқотларимизга жалб қилиш ўта муҳим вазифалардан биридир. Афсуски, айти йўналишдаги ишлар керакли даражада амалга оширилмаган. Совет замонидаги қатағон-қирғин йиллари кўплаб қўлёзма китоблар йўқ қилинди. Шу муносабат билан халқимиз ўз меросидан узоқлашди. Эндиликда биз, масалан, Навоий асарларига эга қўлёзмаларни тўплаш, уларни тавсифлаш ишларига кўпроқ киришишимиз керак. Ўз вақтида Алишер Навоий асарларига эга қўлёзмалар тавсифи бирмунча бошланган эди. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институтидаги Навоий қўлёзмаларини Абдулла Носиров ва Қавомиддин Муниров томонидан амалга оширилган тавсифи “Алишер Навоий қўлёзма асарлари” номи остида 1970 йили чоп этилган. Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фонди асосида айти ишни Муҳаммаджон Ҳакимов амалга ошириб, 1983 йили “Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи” китобини нашр қилган. Бу китоблар яратилганидан бери анча вақт ўтди, Навоий асарларининг янги нусхалари топилди ва топилмоқда. Бунинг устига айти каталоглар фақат Тошкент китоб хазиналаридаги Навоий қўлёзмалари тавсифидан иборат бўлган, холос. Қизиғи шундаки, биз – илмий жамоатчилик ҳатто мамлакатимиз барча вилоятларидаги қўлёзма фондларида Алишер Навоий асарларига эга қанча қўлёзма мавжудлигини хануз аниқ билмаймиз.

Баъзи истиснолар ҳам мавжуд: Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейидаги қўлёзмаларни ўрганиш бўйича филология фанлари номзоди Абдулатиф Турдиалиев бошчилигида олиб борилаётган тадқиқот ишларини ҳам эслаб ўтиш лозим. Ҳозирда музей қўлёзма фондларидаги барча қўлёзмалар, жумладан, Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари қичсқа тавсифи

тайёрлаб бўлинган. Афсуски, асрлар давомида машҳур бўлиб келган Қўқон адабий муҳити маркази бўлган Қўқон шаҳрида А.Турдиалиевдан бошқа қўлёзмаларни тавсиф эта олиши мумкин бўлган тузукроқ мутахассислар деярли қолмади. Навоий асарлари қўлёзмалари кадрини билувчи зарур кадрларни тайёрлаш ва асраш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Хорижда Навоий асарлари қўлёзмалари феҳрест ёки тавсифлари алоҳида эмас, турли илмий нашрлар, каталоглар таркибида мавжуд. Биз Навоий асарлари қўлёзмалари бутун дунёга тарқалиб кетганлигини биламиз, аммо бу қўлёзмалар таркиби ҳақида етарлича маълумотга эга эмасмиз. Бунинг устига Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг умуман тавсифга тортилмаганлари мавжуд бўлиши эҳтимоли ҳам катта. Масалан, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон ва Эрондаги баъзи феҳрестларда Навоий асарларига эга қўлёзмалар тавсифи учраб туради. Лекин улар тарқоқ ва Навоий асарлари қўлёзмаларининг ўша мамлакатдаги бир қисминигина қамраб олади, холос. Биргина мисол: Миср миллий кутубхонасида мавжудлиги таъкидланган, лекин навоийшуносликка 2012 йили маълум қилинган Алишер Навоийнинг “Оққуюнли мухлислар девони” ғарбнинг баъзи илмий китобларида “Навоий девони” номи остида берилганки, ушбу аталиш девоннинг таркиби ҳақида аниқ тасаввур бермайди. Фақат бу девон қўлёзмаси таркиби билан танишибгина, унинг навоийшунослик учун аҳамияти очилди ва ушбу девон фотонусхаси нашр қилинди. Алишер Навоий бир неча девон яратганлиги бизга маълум, аммо хориж каталогларида улар кўпинча фақатгина “Навоий девони” номи билан келтирилган. Чунки Навоий девонини тавсифлаб каталогга киритувчи олим Навоий ижодини яхши билмагани учун девонга умумий ном бериб қўя қолган. Эндиликда мана шу қўлёзмалар таркиби билан бевосита танишиш ва уларни “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги” деб аталувчи феҳрестга киритиш зарур бўлади.

Ўзбекистон президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида “чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш” ҳақида гапирилган.

Дарҳақиқат, бу жуда ўринли фикр бутун боши янги йўналишда ишлашга олиб келади. Бизда Навоий асарлари қўлёзмалари ёки улардан олинган нусхаларининг барчаси Тошкентда бир ерга тўпланган ҳолда бўлиши керак. Биринчи навбатда, Алишер Навоий асари қўлёзмаларининг илмий ва бадий жиҳатдан энг ноёб намуналарини, масалан, машҳур хаттот Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалар нусхалари келтирилиши лозим. Ҳозирда улар Техрон, Истанбул, Санкт-Петербург ва шу каби шаҳарлардаги қўлёзмалар кутубхоналарида ҳозирда сақланмоқда. Санкт-Петербургда Навоийнинг йигитлиги даври шеърлари киритилган ва 1465 йили кўчирилган “Илк девон”и

қўлёзмаси мавжуд. У 1968 йилда Ҳамид Сулаймонов томонидан нашр этилган бўлишига қарамай, унинг замонавий фототехник воситаларда олинган янги кўчирмасини яратиш, уни Ўзбекистонга келтириш керак. Худди шундай гапни Санкт-Петербургда сақланувчи Назарали Ғоизий 1596 йил кўчириб тугалланган бадий безаклари мукамал Навоий асарлари мажмуаси ҳақида айтиш мумкин. 1444 бетдан иборат айни улкан қўлёзма сафавийлар даври машҳур кўмондони Фарҳодхон сарой кутубхонаси учун тайёрланган. Қоҳирадаги машҳур Дор ул-кутуб кутубхонасида сақланувчи “Оққуюнли мухлислар девони” қўлёзмаси ҳам ғоятда аҳамиятли. У 1471 йили Анисий тахаллуси билан шеърлар битган Абдурахим Хоразмий томонидан тахминларга кўра, Шерозда кўчирилган. Мазкур қўлёзма кўчирма нусхасини, ундаги шеърларни жорий ёзувларга ўгирилган матни билан бирга чоп қилиш лозим. Мана шундай дурдона қўлёзмалар қаторига кўчон хони Умархон саройида 1819 йили кўчирилган “Муҳаббатнома” номли мажмуани ҳам киритиш мумкин. У усмонлилар султони Султон Маҳмуд II (1808–1839)га дипломатик совға сифатида юборилган. Девонлардан ташкил топган тўплам таркибида Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти ҳам мавжуд. Истанбулда сақланувчи бўйи ярим метрли ва салкам 1000 бетли мазкур тўплам фотонусхасини ҳам Ўзбекистонга олиб келтириш савобли иш. Келтирилган кўчирмалар асосида бу қўлёзмаларнинг факсимил-фотонусхаси сўзбошилар билан нашр этилиши ўринли бўларди.

Ўзбекистон президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридаги қуйидагилар айтилган: хориждаги мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, глобал интернет тармоғида кенг ёритиш, улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш”. Шундан келиб чиққан ҳолда, эндиликда дунёнинг барча мамлакатларидаги Навоий асарларига эга қўлёзмаларни тавсифлаб кенг қамровли “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги”ни яратиш вақти келди. Айни йўналишда биз, имкон қадар, хориж сафарларида маълумот тўплашга уриниб келаяпмиз. Эндиликда бу ишни системали тарзда амалга ошириш катта натижаларга олиб келиши мумкин. “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги”нинг яратилиши бир неча йиллар давомида амалга оширилиб, бир неча жилд китоб ҳолида нашр этилишга арзигулик бир ишдир.